

“Gidromaxsusqurilish” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

БАЁННОМАСИ (кўчирма)

25.02.2021 йил

Тошкент шаҳри

Йиғилиш Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 22-уй, “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг маъмурий биносида ўтказилди, йиғилиш соат 11:00да бошланди.

Йиғилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, “Gidromaxsusqurilish” АЖ Уставига ва Кузатув кенгашининг 02.02.2021 йилдаги 2-сон йиғилиш қарорига асосан чақирилди.

Акциядорлар мазкур навбатдан ташқари умумий йиғилишни бўлиб ўтиши тўғрисида Кузатув кенгашининг қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда, вақтда ва муддатда хабардор қилинган (электрон манзили бўлган акциядорларга хабарномалар электрон шаклда ҳам юборилди). Шунингдек, йиғилиш бўлиб ўтиши тўғрисида хабарнома Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.gidross.uz) ва Корпоратив ахборотлар ягона порталида (www.openifo.uz) жойлаштирилган.

Йиғилиш санок комиссиясининг маълумотига кўра жамият акциядорларининг 19.02.2021 йил ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан “Gidromaxsusqurilish” АЖ томонидан жами 1 320 800 дона оддий ва 34 000 имтиёзли акциялар чиқарилган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сони 180та ва уларга тегишли бўлган овоз берувчи акцияларнинг сони 1 320 800 донани ташкил этди.

Йиғилишда 1 288 300 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4та акциядорлар қатнашди.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

“Gidromaxsusqurilish” АЖ - Бош директори К. Фаттилаев, Иқтисод ва молия бўйича директор Р. Остонов, бош ҳисобчи Т.Павлухина.

Йиғилиш кворуми 97,53 фоизни ташкил этди. Шу муносабат билан йиғилиш қарор қабул қилишга ваколатли.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият бош муҳандиси Шарипов Ражабали Мурадуллаевичга жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича олинадиган соф фойда ҳисобидан хорихда даволаниш учун моддий ёрдам ажратиш масалани кўриб чиқиш тўғрисида.
4. Жамиятнинг 2021 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режаси тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун ташқи аудит ташкилотини танлаш тўғрисида.

Йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилиб, йиғилиш қатнашчиларидан қўшимча ва таклифлар тушмаганлиги сабабли, акциядорлар умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Биринчи масала бўйича:

Саноқ комиссияси аъзолиги қуйидаги шахслар тасдиқлансин:

С. Соттиқулов, Е.Цыбаева ва Н. Шерматова.

Иккинчи масала бўйича:

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

Йиғилишни ўтказиш тартиби қуйидагича:

Масалаларни муҳокама қилиш йиғилиш кун тартибига асосан амалга оширилади.

Кун тартибидаги масалалар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш-10 минутгача;

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси – 5 минутгача;

Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар -5 минутгача;

Овоз бериш хар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

1. Жамият бош муҳандиси Шарипов Ражабали Мурадуллаевичга жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича олинadиган соф фойда ҳисобидан хорижда даволаниш учун 225,0 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилсин.

2. Жамият Кузатув кенгашига жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича соф фойда тақсмоти кўриб чиқилишида ушбу маблағлар ҳисобга олинсин.

3. Жамият ижроия органига:

- жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича олинadиган соф фойда ҳисобидан Р.Шариповга хорижда даволаниш учун 225,0 млн. сўм миқдорида маблағлар ўтказиб берилиши;

- қарор ижросини таъминлаш ва амалга оширилган ишлар тўғрисида Кузатув кенгашига маълумот киритилиши таъминлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

Жамиятнинг 2021 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режаси тасдиқланмасин.

Жамият ижроия органи Жамиятнинг 2021 йил учун тайёрланган бизнес-режасини қайта кўриб чиқсин ва жамият Кузатув кенгаши муҳокамасига кўриб чиқиш учун қайта киритсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун ташқи аудит ташкилотини танлаш бўйича тендер натижалари ва тендер комиссиясининг 2020 йил 16 февралдаги хулосаси маълумот учун қабул қилинсин;

2. Танлов натижаларига кўра “MASLAXATAUDIT-M” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлов ғолиби бўлганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

“Gidromaxsusqurilish” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) ва халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботлари Халқаро аудит стандартлари асосида ташқи аудиторлик текшируви ўтказиш, трансформация, Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (СМК) аудитдан ўтказиш, 2021 йил учун СМК ҳисоблаш бўйича “MASLAXATAUDIT-M” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин ва ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори 31,0 (ўттиз бир миллион) млн. сўм этиб белгилансин.

3. “MASLAXATAUDIT-M” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан Жамият томонидан 2021 йилда йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимлар ўрганиб чиқиш ва хулосалар тақдим этиш бўйича шартнома тузилсин ва хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори ҳар бир битим бўйича бериладиган хулоса бўйича келишилган ҳолда белгилансин.

4. Текшириш натижалари бўйича аудиторлик хулосаси Кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш топширилсин.

Йиғилиш раиси мажлис иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди ҳамда кун тартибига киритилган масалалар барчаси муҳокама қилинганлигини ва мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси 2021 йил 03 мартда икки нусхада тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш котиби:

 **Т. Расулов**